

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Буюртмачи номи:
Куйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги
НС ва ЭБ бошлиги

Ж Назаров

2022 йил

**Куйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси
хисобидаги Юлдуз-2 насос станциясини 250/10/0,4КВ, Хазора-1 тик кудуғини
63/10/0,4 КВ, Қизилтепа ва Бухоро-5 тик кудуқларини 40/10/0,4
трансформаторларини тубдан таъмирлаш ишлари.**

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Т/р	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Куйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси хисобидаги Юлдуз-2 насос станциясини 250/10/0,4КВ, Хазора-1 тик кудуғини 63/10/0,4 КВ, Қизилтепа ва Бухоро-5 тик кудуқларини 40/10/0,4 трансформаторларини тубдан таъмирлаш ишлари.
2	Буюртмачи	Куйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси.
3	Объектнинг жойлашган манзили	Кармана ва Қизилтепа туманларида
4	Қатнашувчиларга куйиладиган талаблар	<p>Лойиҳа смета ҳужжатларида кўрсатилган ишларни бажариш учун белгиланган маблағларни камида 30% миқдорида айланма маблағнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш базасини, меҳнат ресурсларини ва ишларни (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган мутахассисларни мавжудлиги.</p> <ul style="list-style-type: none">- Насос агрегатлари, ЭЦВ русумли насослар, электро двигателлар ва трансформаторларни мукамал таъмирлаш ишлари бўйича камида 3 йиллик тажрибага эга бўлишлиги;- зарур техник, молиявий, материалларнинг мавжудлиги, шартнома шартларини бажариш учун инсон ва бошқа ресурслар:- шартнома тузиш ҳуқуқи;- солиқ қарзи ва бошқа мажбурий тўловларнинг йўқлиги;- уларга нисбатан жорий қилинган банкротлик процедураларининг йўқлиги;- "Буюртмачи" билан суд ёки ҳакамлик суд ишларининг йўқлиги;- виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида ёзувнинг йўқлиги. <p>Лойиҳа смета ҳужжатларида кўрсатилган ишларга ўхшаш объектларда таъмирлаш ишларини амалга оширган бой тажрибага эга бўлган, молиявий барқарор ташкилотлар иштирок этадилар. Икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.</p>
5	Молиялаштириш манбаси. Бажарилган ишларни ҳисоб-китоби	Маҳаллий бюджет. Аванс (бўнак) тўлови, Бажарилган ишлар далолатномаси ва ишчи комиссиянинг хулосасига асосан якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилади.
6	Ишни бажариш муддати, Бажарилган ишларни топшириш	Шартнома шартларида кўрсатилган муддатларда яқунлаш. Бажарилган ишлар учун кафолат (кафолат хати) муддатларини бериш.

«ТАСДИҚЛАНДИ»
Буюртмачи номи:
Куйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги
НС ва ЭБ бошлиғи

Ж. Назаров

“ ”
2022 йил



Куйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси
хисобидаги Юлдуз-2 насос станциясини 250/10/0,4КВ, Хазора-1 тик қудуғини 63/10/0,4
КВ, Қизилтепа ва Бухоро-5 тик қудуқларини 40/10/0,4 трансформаторларини тубдан
таъмирлаш ишлари.

объекти бўйича:

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТНИ ИШЛАБ
ЧИҚДИ**

Куйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ
си НС ЭҚ ва МУТ бўлими бошлиғи

_____ Ташкилот номи

2022 йил

БАРЧА ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

Қуйи Зарафшон ИТХБ ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси
(Буюртмачи ташкилот номи)

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: Қуйи Зарафшон ИТХБ ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ҳисобидаги Юлдуз-2 насос станциясини 250/10/0,4КВ, Хазора-1 тик қудуғини 63/10/0,4 КВ, Қизилтепа ва Бухоро-5 тик қудуқларини 40/10/0,4 трансформаторларини тўдан таъмирлаш ишлари.

Объектнинг бошланғич нархи – 111 078 303 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати – 20 календарь кун.

Буюртмачи: Қуйи Зарафшон ИТХБ ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси. (Кармана туман Арғун МФЙ), Тел 79-220-62-74.

Молиялаштириш манбаси: Маҳаллий Бюджет маблағлари ҳисобидан.

Молиялаштириш шартлари бўнак (аванс) – бажариладиган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида; жорий молиялаштириш ажратилган бўнак, пропорционал ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 95 фоизи миқдорида; қолган 5 фоизи – фойдаланишнинг кафолатли муддати тугагач.

пудрат шартномасининг валюта тури – ўзбек сўмида.

- ◆ Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- ◆ Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танловда қатнашганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов иштирокчиларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:
- ◆ Танлов иштирокчилари танловда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Қуйи Зарафшон ИТХБ ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:
- ◆ (Кармана туман Арғун МФЙ), Тел 79-220-62-74. Иш кунлари соат 8-00 дан 17-00 гача.
- ◆ Тасдиқланган танлов ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича <https://xarid.uzex.uz> махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

Эълон 2022 йил “ ” _____ кунини <https://xarid.uzex.uz> сайтида берилган.

Қуйи Зарафшон ИТХБ ҳузуридаги
НС ва ЭБ бошлиғи в.б:



Ж.Назаров

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Кармана туман Қуйи Зарафшон ИТХБ ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси номидан танловда иштирок этишга танлов иштирокчиларини таклиф этамиз ва қуйидаги объект бўйича танлов таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: Қуйи Зарафшон ИТХБ ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ҳисобидаги Юлдуз-2 насос станциясини 250/10/0,4КВ, Хазора-1 тик қудуғини 63/10/0,4 КВ, Қизилтепа ва Бухоро-5 тик қудуқларини 40/10/0,4 трансформаторларини тубдан таъмирлаш ишлари.

Объектнинг бошланғич нархи—**111 078 303 сўм.** (ҚҚС билан)
Ишларни тугаллаш муддати —**20 календарь кун.**

Буюртмачи: Қуйи Зарафшон ИТХБ ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси. (Кармана туман Арғун МФЙ), Тел 79-220-62-74.

Молиялаштириш манбаси: : Маҳаллий Бюджет маблағлари ҳисобидан.

Таклиф этилган шартлар бўйича танловда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий қурилиш ва таъмирлаш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);

тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлов предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлов иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги танлов иштирокчиларига танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Ҳар бир объект бўйича қурилишда ишлатиладиган машина ва механизмлар рўйхати тўлиқ илова қилиниши керак.

Ҳар бир объект бўйича тендерга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Меҳнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотўғри маълумот берилса тендер ҳужжатлари кўрилмасдан қайтариб берилади ва чиқариб юборилади.

Танлов таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлов иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Танлов иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш мақсадида танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳақида танлов ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки танлов ташкилотчиси объектнинг лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианты)ни танлов иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

Таклифларни топшириш танлов иштирокчисининг танлов ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

**Куйи Зарафшон ИТХБ
ҳузуридаги НС ва ЭБ бошлиги:**



Ж.Назаров